



УДК-396,832

ЁШЛАРНИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ МОТИВЛАРИНИ ЎРГАНИШ ОРҚАЛИ КИТОБ ЎҚИШГА ЙЎНАЛТИРИШ

Малоҳат Саидмуратова

Урганч давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада болалардаги ички ва ташқи мотивлар, чет эл олимлари таълим – тарбия жараёнида ўқув мотивациясининг ўрни, ички ва ташқи мотивларни аниқлаш, балаларда китобга меҳр уйғотиши, болалардаги билиш шаклланиши, муаммо аниқлаш доирасида амалга оширилган ишларни таҳлили келтирилган.*

Калит сўзлар: *китобхон, бола, мотивация, ички мотивация, ташқи мотивация, ҳамкорлик, танлов эркинлиги, қўрқув, мувофақият, ҳамкорлик, ҳуқумронлик, дахлдорлик.*

НАПРАВЛЯТЬ МОЛОДЫХ ЛЮДЕЙ К ЧТЕНИЮ, ИЗУЧАЯ ИХ ВНУТРЕННИЕ И ВНЕШНИЕ МОТИВЫ

Аннотация: *В данной статье представлен анализ внутренних и внешних мотиваций детей, роль учебной мотивации в процессе обучения и воспитания зарубежными учеными, выявление внутренних и внешних мотиваций, привитие любви к книге у детей, формирование знаний у детей, идентификация проблемы.*

Ключевые слова: *читатель, ребенок, мотивация, внутренняя мотивация, внешняя мотивация, сотрудничество, свобода выбора, страх, уступчивость, сотрудничество, доминирование, вовлеченность.*

GUIDING YOUNG PEOPLE TO READ BY STUDYING THEIR INTRINSIC AND EXTRINSIC MOTIVATIONS

Annotation: *This article presents an analysis of internal and external motivations of children, the role of educational motivation in the process of education and upbringing by foreign scientists, identification of internal and external motivations, instilling a love of books in children, the formation of knowledge in children, problem identification.*

Key words: *reader, child, motivation, intrinsic motivation, extrinsic motivation, cooperation, freedom of choice, fear, compliance, cooperation, dominance, involvement.*

Кириш. Болалар қалбида ватанга бўлган мухаббатни шакллантиришда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти беқиёсдир. Китоб асрларни-асрларга, замонларни-замонларга, ришталарни-ришталарга уловчи восита. Шунинг учун ҳар бир инсон, ҳар бир китобхонда китоб ўқишни, ахборот олиш маданиятини янада ривожлантиришимиз



керак. Китоб ўқиш маданияти жуда кенг тушунча ва мураккаб муаммо бўлиб, тахминан қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади: Болани ўқишга қизиқтиришда нима учун мукофотлар билан рағбатлантириш хамиша иш бермайди, шундай пайтларда қандай йўл тутиш керак ўқиш, ўқув фаолиятини мативлари ҳақидаги чет эл олимларининг асарларида илгари сурилган ғояларини таҳлил қилар эканмиз қуйдагиларга эътибор қаратиш жоиздир.

Таълим –тарбия жараёнида ўқиш мотивациясининг ўрни бутун днё олимлари томонидан тан олинган ва таълимий ва тарбиявий тамонлари ўрганилган. Ўқув самарадорлигини ўрганишда ўқув мотивациясининг ролини чет эл олимлари ўз тадқиқотларида тадқиқ қилдилар. Шуларни инобатга олган ҳолда, ўқув мотивларини кўзгатувчилардан ташқарида содир бўладиган хатти –ҳаракатларни тушунтириш бўйича бир талай моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни кўриб чиқиш ички мативларнинг механизмларини таҳлил қилишда қўл келади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили: Ички ва ташқи мотивацияни танлаймиз. Ички мотивация ҳақида камдан-кам бош қотирамиз. Бизнинг самимий хоҳиш-истакларимиз, ҳолатимизни тушунтириш учун биргина сўз етарли - "истайман". Болалар ўзларига ёқадиган нарсалар билан шуғулланиш, кўшиқ тинглаш ёки уларга жўр бўлиб ижро қилиш, ўз қўллари билан бирор нарса ясаши ёки саргузашт романлар ўқишади, чунки уларга шундай қилиш ёқади.

Ташқи мотивация ҳар хил бўлади - чўнтак пулларида тортиб, то мактабдаги баҳолагача. Буни бир гап билан изоҳлаш мумкин: "Мана бундай қилсанг, буни қўлга киритасан".[1.262-267]

Психолог Альфи Кон "Мукофот билан жазолаш" китобида нафақат ота-оналарни, балки ўқитувчиларни ҳам турли имтиёзларни қўллашда огоҳлантиради. Баъзи ота-оналар фарзанди яхши ўқиши учун ҳайвонот боғига олиб боришни ваъда қилишади, бошқалари қимматбаҳо гаджетларни харид қилишади ва ҳатто пул ҳам беришади. Муаммо шундаки, бу усул иш бермайди: ўқувчи шундай ўқишда давом этаверади, боз устига, ваъда қилинган нарсага эриша олмагани учун яқинларидан хафа ҳам бўлади!

Таҳлил ва натижалар. Ўқишга бўлган қизиқишга нима таъсир қилади?

Психолог Альфи Кон мотивацияга таъсир кўрсатувчи уч омилни ажратади:

1. Кичик ёшдаги болалар ўқишга тайёр ва улар бунинг учун ҳеч нарса талаб қилишмайди. Уларда ички мотивация кучли ривожланган бўлади: улар ўзларига қизик бўлган нарсаларнигина ўқиб ўрганишади.

2. Ички мотивацияни сақлаб қола олган болалар самарали ўқишади. Қолганларни эса удалай олмайди деб ҳисоблашади, бироқ бундай эмас. Баъзи мактаб ўқувчилари фақат паст баҳо олишса-да, бошқа соҳаларда ўзларини ижобий намоён этишади. Масалан, севимли хонандасининг ўнлаб кўшиқларини ёддан билишади (математикада эса кўпайтириш жадвалини эслай олишмайди). Ёки фантастикани берилиб ўқишади (классикага эса қўл текзишмайди). Уларга шу қизик. Ички мотивациянинг моҳияти ҳам шундадир.

3. Имтиёзлар ички мотивацияни йўққа чиқаради



Психологлар Кэрол Эймс ва Кэрол Дуэк ота-оналар ҳамда ўқитувчилар қандайдир имтиёзга урғу беришганда болаларнинг қизиқиши дарҳол сўнишини аниқлашди.

Нимадан бошлаш керак?

Хулоса ва таклифлар. Ўқишга мотивацияни қайтариш — узоқ жараён ва бунинг муваффақияти асосан ота-онага боғлиқ. Катталар энг аввало уч нарса ҳақида бош қотиришлари керак: мазмун, ҳамкорлик ва танлов эркинлиги.

1. Мазмун. Бола талабимизни бажармаганида биз унинг хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиш усуллари қидирамиз. Яхшиси, талабингиз қанчалик тўғри экани ҳақида ўйлаб кўринг. Фарзандингиз физикадан фақат "4" ва "5" олмаса, бунинг ҳеч қандай кўрқинчли жойи йўқ. Болалар "шовқин қилмаслик" борасидаги талабимизни "қулоқсиз" эканликлари учун эмас, ўз ёшларининг психологик хусусиятлари сабабли рад этишади.

2. Ҳамкорлик. Афсуски, бола билан мулоқот қилиш контекстида бу сўз кўп ота-оналар учун нотаниш. Бироқ фарзандларингиз қанча катта бўлганлари сари, уларни шунча кўп ҳамкорликка жалб қилишингиз керак. Муҳокама қилиш, тушунтириш бериш, бирга режалар тузиш керак. Бола билан катта одамдек суҳбатлашишга ҳаракат қилиб кўринг. 15 ёшли боланинг космонавт бўлиш орзусига беътибор бўлиш керак эмас. Нима учун бунинг иложсиз эканини хотиржам ўтириб тушунтиринг. Эҳтимол, ўғлингиз сизнинг сўзларингиз орасидан ўсиш учун ички мотивация топа олар.

3. Танлов эркинлиги. Бола ўзини жараённинг бир бўлагидек ҳис қилиши керак, шунда у муаммо ечимини топишга масъулият билан ёндашади. Фарзандингиз ўзини ёмон тута бошласа, ундан бунинг сабабларини сўранг. Сиз "шундоқ ҳам гап нимадалигини биламан" дейишингиз мумкин, шундай бўлса-да, уриниб кўринг. Эҳтимол, унинг жавоби сизни ажаблантирар келинг яхшиси мотивация нималиги ва ундан қандай фойдаланиш мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Қайси турдаги мотивация сизга мос келишини аниқланг, уларни эслаб қолинг ва мақсадингизга эришинг.

Мотивация ички ва ташқи бўлиши мумкин буни юкорида кўриб чиқдик энди ички ва ташқи мативни қандай бўлиши ва унинг таъсирини кўриб чиқамиз.

М:Битта қари кишининг деразаси остида болалар футбол ўйнашарди ва уларнинг шовқинлари унга халақит берарди. Уларга мурожаатлар ва илтимослар таъсир қилмасди. Бу шовқиндан қутулиш учун у ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келади. Бир куни у болалар олдида чиқади ва уларга: "Бугун сиз жуда яхши ўйнадингиз. Шунинг учун сизларнинг ҳар бирингизга бир доллардан бераман". Бу болаларга қандай таъсир қилганини тасаввур қилавериш мумкин. Улар ўзлари мазза қилиб ўйнаганлари учун пул ҳам олишган эдида. Улар жуда хурсанд бўлишади.

Эртаси куни уй эгаси болалар олдида чиқади ва уларга: "Болалар бугун менинг пулим озроқ, шунинг учун сизларнинг ҳар бирингизга фақат 50 центдангина беришим мумкин" дейди. Болалар пулни олишади ва кечагига қараганда камроқ иштиёқ билан ўйнашади.



Эртаси куни болалар 20 центдан олишади ва уй эгаси уларга: “Эртага ҳам келинлар. Мен сизга 5 центдан бераман” дейди. Бунга нисбатан болалар: “Яна нима. Биз сизга бор-йўғи 5 цент учун ўйнаймизми?” дейишади ва кетишади. Шундай қилиб бу одам болаларнинг шовқинидан кутулади.

Хўш бу ерда уй эгаси нима қилди? У болаларнинг ички мотивациясини (югуриш, чопиш, шовқин қилиш, ўйнаш) ташқи мотивацияга (пул олиш) алмаштирди ва кейин эса бу ташқи мотивацияни тўхтатди. Шу йўл билан болаларнинг ички мотивациясини йўққа чиқарди ва ўзига ёқимсиз бўлган ҳолатдан кутулди.

Бирор ишни бошлаган одамларнинг дастлабки ички мотивацияси қаерга йўқолади?

Ҳаммаси жуда оддий. Ўқитувчи ўқувчиларни ташқи мотивациясига жуда катта эътибор беришади ва ички мотивацияни эсдан чиқаришади.

Мотивациянинг асосий турлари

Ички мотивация: Инсон ўз хоҳиш-истаги билан илҳомланадиган ҳолатларда бу жуда муҳимдир. Масалан, Ўқишга бўлган қизиқини ошириш. Шу билан бирга мақсадимиз – кайфиятни ошириш ва янги билимларимиздан қониқиш.

Ташқи мотивация: Бундай ҳолда, биз ўз хоҳишимиз билан эмас, балки атрофдаги одамлар истаги билан бошқариламиз. Масалан, биз ҳам яхши ўқишни хоҳлаймиз, лекин ўзимиз учун эмас, балки шеригимиз босими остида. Мақсадимиз ўз-ўзини эҳтиёжини қондириш эмас, балки севган инсонимизга яхшилик қилиш истагидир.

Мотивациянинг кичик турлари

Суюнчи: Ушбу турдаги мотивация бирон бир мукофот олишга асосланади. Кўпинча буни бошқалардан кутамиз, лекин ушбу усулдан ўзингиз фойдаланишингиз мумкин. Масалан, мураккаб муаммони муваффақиятли ҳал қилгандан сўнг, ўзингизни узоқ кутилган харид билан сийланг.

Кўрқув: Онгимизда кўпинча бу сўзни даҳшатли нарса билан боғлаймиз, лекин мотивация ҳолатида бу ҳар доим ҳам шундай эмас. Айниқса, яқинларимиз олдида ўзимиздаги масъулиятни ҳис қилсак, билмасдан муваффақиятсизликка учраб қолишдан кўрқамиз.

Муваффақият: Агар ўзингизни доимий танқид қилсангиз ва бу ерда тўхташни ҳаёлингизга ҳам келтирмасангиз, демак, гап бу ютуқни рағбатлантириш ҳақида бўлади. Одатда, бундай туртки мукофотдан кўра яхшироқ ишлайди.

Ҳукмронлик: Ҳар қандай ҳолатда вазиятнинг устаси бўлишга ҳаракат қиладиган ва ҳар доим ўз ҳақлигига амин одамлар ҳукмронлик мотивацияларига асосланади. Улар ҳамма нарсани назорат остида ушлаб туришлари ва бошқаларни керакли ҳаракатлар қилишга ундашлари керак.

Дахлдорлик: Дахлдорлик мотивацияси бўлган одамлар улар билан мулоқот қиладиган одамларнинг муҳим мақомидир. Бошқаларнинг маълум бир ижтимоий қатламга тегишли бўлиши уларни ривожланиш ва ҳаракат қилишни хоҳлайди. Улар, айниқса, ижтимоий мавқеи, маълумот даражаси, профессионаллиги ва ҳоказоларда улардан устун одамлар мақтовига сазовор бўлишади.



Хабардорлик: Сиз ҳар қандай ишда энг зўр бўлишни хоҳлайсизми ва ўзингиз ишлаган ҳамма нарсани мукамал бажаришга интиласизми? Демак, ҳамма нарсада малакали бўлишни хоҳлайсиз. Ушбу турдаги мотивация, айниқса, янги кўникмаларни эгаллашда жуда яхши.

Дунёга муносабат: Агар атрофимиздаги дунё ҳақидаги тасаввуримизни ўзгартирмоқчи бўлсак ва ундаги ўрнимизга қарашни истасак, ушбу мотивация турини бошқарамиз. Одамлар кўпинча муваффақиятни маълум ютуқлар тўплами сифатида тушунадилар: моддий фаровонлик, оила қуриш ва жамиятда обрў қозониш. Аммо яна кўп нарсадан мамнун бўлишимиз мумкин. Масалан, биз билан фахрланишини, қадрлашини истаймиз. Қилган ишимиздан завқ олишга ҳаракат қиламиз. Дунёда ўз ўрнимизни топишимиз ва ўзимиз билан уйғунликда яшашимиз учун қилинадиган барча ҳаракатлар ушбу мотивация турига боғлиқ.

Ички мотивация: Ички мотивация – бу одамнинг ичидан туртиб турадиган ва уни ҳаракатга келишга мажубрайдиган кучдир. У доимо бирор нарсага интилишга, бир жойда туриб қолмасликка, ўз жамоангизни ёки ташкилотингизни ташкил қилишга ундаб туради. Буларнинг ҳаммасини сиз ўзингизнинг ва бошқаларнинг ҳаётини яхшилаш учун қиласиз.

Ички мотивация – бу қийинчиликлар ва муваффақиятсизликлар даврида бизни ушлаб турадиган ва қиздирадиган “ёқилғидир”. У ҳаракатга келишга ундайди.

Мисоллар:

Орзу, амалга ошганлик

Ғоялар, ижодиёт

Ҳаётда ўз ўрнини топиш

Ишонч

Қизиқувчанлик

Саломатлик

Кимгадир кераклиликни ҳис қилиш

Шахсий ривожланиш

Мулоқотга бўлган эҳтиёж

Хоҳлаган бир ишни бажаришда муваффақиятга эришишининг энг биринчи ва энг муҳим сири – бу ички мотивацияни пасайтирмасдан ушлаб туришдир.

Ташқи мотивация – бу ташқи ижтимоий муҳитда сизнинг эришганларингизни кўрсатиб турувчи нарсалардир.

Мисоллар:

Пуллар, карьера, статус, тан олинис, нуфузни оширувчи нарсалар (уй, квартира, машина), турмуш эстетикасининг юқори даражаси, саёҳат қилиш имконияти, сизнинг ташқи мотивацияннгиз доимий равишда ўзгариб туради.

Ички ва ташқи мотивациялар ўзаро мутаносиб бўлгандагина энг самарали бўлади.[2,46-62]

Ўқитувчилар кўринишидан олижаноб усуллар билан иштиёқни оширишга ҳаракат қилишади: турли мақомлар (ойнинг энг яхши ўқувчиси) жорий қилишади,



яхши ўқийдиганлар учун имтиёзлар яратишади. Кўпинча шундай бўлади: ойнанг энг яхши ўқувчиси асосан бир ўқувчи бўлади, имтиёзлар эса одатда таркиби ўзгармайдиган ўқувчилар доирасига берилади. Қолган ўқувчилар эса ўзларини омадсиздек ҳис қилишади.

Нима учун ташқи мотивацияни ошириш иш бермайди?

Биз "Мана бундай қилсанг, буни қўлга киритасан", деган пайтимизда бола дастлаб ваъдани иштиёқ билан қабул қилади. Шу билан бирга, унда ўзини ўзи ҳимоялаш инстинкти ҳам ишга тушади.

Бола муаммони ҳал қилишнинг ижодий усулини эмас, энг ишончли ва қисқа йўлини излай бошлайди.

У ўзига ўзи савол беради: "Таваккал қилиб, назорат ишини ўзим ёзишимга не ҳожат? Яхшиси, аълочилардан кўчириб оламан, шуниси ишончлироқ". Қарабсизки, мақсадлар ўзгариши рўй беради: билим олиш учун ўқиш эмас, мукофот олиш учун ўқиш.

Ташқи мотивация зўр ишлаши мумкин, фақат ичкиси билан бирга. У ўз-ўзидан олдинга ҳаракатланмайди, шунчаки "ишни уддалаш", тезроқ хоҳлаган нарсасига эришишга мажбур қилади.

Ички мотивацияни излаймиз

Боланинг ички ҳолатини тўғирлаш осон эмас, шунга қарамай, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бериши мумкин.

1. Фарзандингизни қабул қилишни ўрганинг. Масалан, қизингизнинг янги имджи сизга ёқмаслиги мумкин, лекин сиз уни қабул қилишингиз керак. Бошқача айтганда, гап эркалатиш эмас, тушуниш ҳақида бормоқда.

2. Самимий суҳбатлашинг. Агар фарзандингиз билан қалбан етарлича яқин бўлсангиз, дастлаб у билан шунчаки суҳбатлашинг. Унинг нималарга қизиқиши ҳамда ўқишда қандай муаммолар юзага келаётгани ҳақида сўранг. Вазиятдан чиқиш йўлини бирга топинг.

3. Болага ҳаётдаги мақсади борасида бир тўхтамга келишга ёрдам беринг. Кўпинча ички мотивация бўлмайди, чунки бола бу формулалар, охири йўқ қоидалар ва теоремаларнинг нима учун кераклигини тушунмайди. Фарзандингиз мактабни тугатганидан кейин нима билан шуғулланиши исташи борасида бир тўхтамга келиши муҳим. Буни тушунишга ота-она билан узоқ суҳбатлар, профессионал йўналиш бўйича маслаҳатлар ва ўсмирлар учун китоблар ёрдам беради.

4. Ўқув жараёнини боланинг қизиқишлари устига қуринг. Ўқишда боланинг самимий қизиқишлари (ички мотивацияси)ни мактабдаги дарслар билан бирлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Бу жараён индивидуал ва ота-оналар томонидан катта эътибор талаб қилади. Масалан, инглиз тилини сеvimли фильмингиз ёрдамида ўрганишингиз мумкин. Компьютер ўйинларини жуда яхши кўрувчи ўсмирни эса дастурлаш ва у билан боғлиқ билимлар қизиқтириши керак.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умумий психология Ф.И.Хайдаров,Н.И.Халилова Тошкент 2017й
2. Мотивация и мативы.В.П.Ильин. Санкт –петербург.Москва-Харьков.Минск.2002г
3. Ҳафиза Каримова, Тошкент шаҳар «Билим» ахборот-кутубхона маркази директори
4. Развитие интереса к чтению у младших школьников. Выпускник квалификационная работа. И.И.Ивановна.Екатенбург -2017г.